

Ishonch

2019 йил 25 июнь • сешанба • № 77 (4206)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ДУНЁ ЁШЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН АНЖУМАН

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган касба уюшмалари ёшларининг «ТЕМП – 2019» Тошкент халқаро форумини иштирокчилар шундай эътироф этмоқда



Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Чарос» меҳмонхонасида халқаро форум тантанали очилди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қ.Рафиков «ТЕМП – 2019» форуми юртимизда Президентимиз ташаббуси билан аҳоли, айниқса, ёшларни кучли ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган тизимли

ишлар, бу борада эришилган тажриба, ютуқларни дунё ҳамжамиятига етказиш ва тарғиб этишга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканини таъкидлади. Тадбирда Беларусь касба уюшмалари Федерацияси раиси Михаил Орда мазкур тадбир касба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва янги истиқболларни белгилашда муҳим аҳамият касб эти-

шини қайд этди. Икки давлат касба уюшмалари ўртасидаги алоқаларни мустақамлашга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиковга «Беларусь касба уюшмалари ҳарақатининг 115 йиллиги» юбилей медали топширилди. Россия мустақил касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари

Александр Шершуков ушбу форумнинг ўтказилиши халқаро меҳнат муносабатларида муҳим рол ўйнашига алоҳида урғу бериб ўтди. Халқаро анжуманда 20 га яқин давлатдан 100 нафардан зиёд йигит-қиз, шунингдек, Ўзбекистон касба уюшмаларининг қарийб 150 нафар фаол ёшлари қатнашмоқда.

2-3



КУН НАФАСИ

«Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

«Ҳуқуқий ахборот» канали

Илҳом Маткаримов Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири лавозимига тайинланди.

Нодир Тиллаев Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

2019 йил 1 июлда қадар «Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича электрон ариза юбориш» ва «Болаларни давлат мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш навбатини текшириш» давлат хизматларини кўрсатиш вақтинча тўхтатилади.

Давлат хизматлари агентлиги матбуот хизмати

Хорижий давлатлар фуқаролари олий таълим муассасалари бакалавриятига ОТМ томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган суҳбат натижасига кўра қабул қилинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот хизмати

Ўзбекистон «Scaling Solar» (Куёш энергетикасини кенгайтириш) дастурига қўшилган бешинчи мамлакат бўлди.

Жаҳон банки матбуот хизмати

Кўқон шаҳрида 300 дан зиёд ҳарбий хизматчилар оиласи истиқомат қиладиган илк ҳарбий маҳаллага Амир Темиров номи берилди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб адлия органлари томонидан оммавий «street-law» ҳуқуқий ёрдам акцияси ўтказилмоқда.

Таиландда кечаётган бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионатида ўзбекистонлик бадий гимнастикачилар 2 та олтин ва 1 та кумуш медалини қўлга киритди.

МОҚ матбуот хизмати

Польшанинг Ополе шаҳрида енгил атлетиканинг ба-

ландликка сакраш тури бўйича «XIV Opolski Festival Skoków» турнирида ҳамюртимиз Надия Дусанова олтин медалга сазовор бўлди.

daryo.uz

Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштиришга ўтказиш мақсадида 2019/2020-ўқув йилидан давлат буюртмаси ва табақалаштирилган тўлов-контракт тизими жорий этилади.

2019 йил 8 июлдан бошлаб «Тошкент-Хабаровск-Тошкент» йўналиши бўйича авиақатновлар қайта йўлга қўйилади.

МАК матбуот хизмати

Жанубий Кореяда «XII Корея Халқаро Ихтирочи Аёллар Кўргазмаси – KIWE 2019» да ҳамюртларимиз Карима Норкулова ва Назолат Абдуллаева Гран-при соҳибаси бўлишди. Шунингдек, юртимиз делегацияси аъзолари 5 та олтин, 2 та кумуш ва 6 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Давлат хизматлари агентлиги делегацияси Озарбойжон Республикасида бўлиб ўтадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг давлат хизмати бўйича форуми ҳамда БМТ мукофоти билан тақдирлаш маросимида қатнашди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига «Саҳиҳ ал-Бухорий» асарининг XI асрга оид қўлёзмаси фотонусхаси ҳамда XIX асрда тайёрланган Муқаддас Каъба ва унинг худуди акс этган китоб альбоми совға қилинди.

Ўзбекистон ва Қозғистон космик соҳада ҳамкорлик қилади.

Пойтахтимизда Марказий Осиё мамлакатлари Оmbудсманлари учинчи минтақавий маслаҳатлашуви бўлиб ўтди.

Тошкентда «Target» хусусий бандлик агентлиги, «Target» Education нодавлат таълим муассасаси томонидан чет элда ишлаш ва ўқиш масалаларига бағишланган форум ташкил этилди.

Гулсара РАЖАБОВА, Қизилтепа туманидаги 39-мактаб-интернати инглиз тили фани ўқитувчиси

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»

Вухоронoma
МАКТАБ ДАРСПИКЛАРИ:
СИНОВ ЯНА ҚАНЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

ФАРҒОНА ҲАҚИКАТИ
Йўналишсиз такси рангини
бўяши шарт эмас

HURRIYAT
«ЖУРНАЛИСТНИНГ ИШИ – ОДАМЛАРНИ ХУРСАНД
ҚИЛИШ ЁКИ УЛАРНИНГ КЎНГИЛИНИ КЎТАРИШ ЭМАС»

Oila
va Jamiyat
ДЕҲҚОН БОЗОРИДА БИР КҮН...

Qashqadaryo
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ АМЕРИКАЛИК
ИНВЕСТИТОР БИЛАН УЧРАШДИ

ЖАМИЯТ
МУАММОСИ НАМУНА УЙЛАР

Ma'rifat
«MA'RIFAT»-DA TEST SAVOLLARI
CHOP ETILISHI NEGA TO'XTAB QOLDI?

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati
БАТАНГА ҚАЙТИШ
Ҳаётда шундай воқеалар содир бўладики, ёдингга
тушганида аъзой баданингга титроқ туради

Президент соврини ЭНГ ЯХШИ ИШБИЛАРМОНЛАРГА



Пойтахтимизда Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус – 2019» кўрик-танловининг мамлакат босқичи ғолиблари тантанали тақдирланди.



Ўз мухбиримиз

Меҳнат ярмаркаси

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг «Одам савдоси – давр муаммоси» тарғибот лойиҳасини амалга ошириши таъминлашга оид чора-тадбирлар режасида хорижий давлатларга ишлаш мақсадида чиқиб кетмоқчи бўлган фуқаролар, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш борасида жойларда ташкил этиладиган «Меҳнат ярмаркалари»да фаол қатнашиш белгиланган.

Тегишли маълумотлар берилди

Шу муносабат билан Фарғона шаҳар Бандликка қўмаклашиш маркази томонидан ташкиллаштирилган «Меҳнат ярмаркаси»да тармоқ тизимидаги «Фарғона кимё заводи» МЧЖ вакиллари ҳам 30 га яқин бўш иш ўринлари билан фаол иштирок этишди. Унда корхонадаги иш фаолияти ва ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароит ҳамда имтиёزلар ҳақида маълумот берувчи кўргазма ташкил этилиб, жамият касба уюшма ташкилотини томонидан тайёрланган махсус фуқа-

роларнинг ишга жойлашиш ҳуқуқларини акс эттирувчи ва меҳнатга ҳақ тўлаш, унинг меъёрлари тўғрисидаги буклетлар тарқатилди ва тегишли тавсиялар берилди. Қизиқиш ва ишлаш ниятини билдирган ёшлар фаолият билан яқиндан танишишлари учун корхонага таклиф этилди.

Шавкат ТОМИРОВ, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Азим пойтахтни қайта кашф этдим

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Қизилтепа тумани кенгаши ташаббуси билан бошлангич касба уюшма етакчилари ва маҳоратли ёш ўқитувчилар ҳамда фахрий устозлардан иборат 50 кишилик гуруҳ сафида Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳатда бўлдим.

Автовбуста шаҳар айланар эканмиз, йўл бошловчи барча масканларни бирма-бир таништириб борди. Пойтахт кўркига кўрк қўшган замонавий бинолар кўзимизни қувонтирди. Жумладан, «Хумо арена» муз саройи ўзгача жозибаси билан мафтун этди. «Оқ маскид»га етиб келганимизда кўнглимиз барча гуруҳлардан поклангандек бўлди.

Сафар асноси турли давлатлардан келган кўплаб туристларни учратдим ва инглиз тили фани ўқитувчиси бўлганим сабабли улар билан эмин-эркин суҳбатладим. Чет эллик сайёҳларнинг юртимиз ҳақидаги фикрларини эшитиб, кўнглим тоғдек кўтарилди.

Юртимиз туристик салоҳияти беқиёслиги, бу борада жаҳоннинг ҳеч бир давлатидан қолишмаслигини яна бир бор қалбдан ҳис қилдим. Мана шундай сафарлар давомида Ватан тушунчаси географик атама маъносидан анчайин кенг эканини, юртингни, юртошларингни таниганинг сари, бу тушунчанинг маъноси каттариб боришини англайсан киши, беихтиёр...

Гулсара РАЖАБОВА, Қизилтепа туманидаги 39-мактаб-интернати инглиз тили фани ўқитувчиси

Дил сўзи

Форум таассуротлари



Ўзаро тажриба ва мулоқотлар майдонига айланди

«ТЕМП – 2019» Тошкент халқаро форуми иштирокчилари Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Чарос» меҳмонхонасида бўлиб ўтётган тадбирларда фаол иштирок этмоқда. «Ishonch» мухбирлари уларнинг форум таассуротлари билан қизиқди.

Анна БЕЖЕНАРЬ,
(Молдова Республикаси):



– Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Юртингизнинг бой тарихи ва маданияти мени лол қолдирди. Кўплаб давлат вакиллари билан учрашган ва юқори даражада ташкил этилган ушбу форум касба уюшмалари ёшларига билим ва кўникмаларини ошириш учун кенг имконият ҳамдир.

Мария ДУБИНИНА,
(Беларусь Республикаси):



– Форум кутилмаган учрашуларга, ёрқин лаҳзаларга бой ўтмоқда. Беларусь касба уюшмалари ходимлари, талабалар, ёшлар қатлами қамраб олган бўлиб, уларнинг ижтимоий муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда фаол ташкилот ҳисобланади. Ўзбекистонга келиб кўплаб янги тажриба ва соҳага оид маълумотлар алмашдик. Шу маънода касба уюшмаларининг бу каби халқаро форумларни ташкил этиши жуда муҳим деб ҳисоблайман.

Ригина ТУКТАРОВА,
(Россия Федерацияси):



– Мен Ўзбекистонда туғилиб ўсганман. Тошкент жуда ўзаро, замонавийлашиб кетибди, лекин одамлар ўша-ўша. Юзларидан самимийлик ёғилиб турибди.

Кўплаб халқаро анжуманларда иштирок этганман. Лекин ушбу форум ўзгача бир кўтаринки кайфият ва шукҳда ўтган. Бундан ташқари, тадбир мен учун амалий тажриба ва фикрларни ўртоқлашиш учун қўлай имконият бўлганини алоҳида эътироф этган бўлардим.

Света АЗИМИЙ,
(Афғонистон Ислам Республикаси):



– Мен Афғонистон касба уюшмалари ташкилотларида олти йилдан буюн ишлайман. Бу даврда кўп давлатларда бўлдим. Лекин бу ердаги тадбир менда ўзгача таассурот уйғотмоқда. Форум меҳр-муҳаббат, дўстлик ва биродарликни тараннум этгани билан бир умр ёдимизда қоладиган бўлди. Бундай шодлиқни улашган ташкилотчиларга ўз миннатдорлигини билдираман.

Артём ИГНАТЕНКО,
(Беларусь Республикаси):



– Мазкур форум Беларусь Республикасида зўр уюшқоқлик билан ташкил этилади. Ўзбекистонда ўтказилаётган ушбу тадбир унга нисбатан қизиқли охиби бораётганидан далolatдир. Ҳозирнинг ўзида Молдова, Озарбайжон, Туркия каби давлатлар вакилларида форумни ўз юртида ўтказиш ташаббуси билдирилмоқда. Бугунги учрашулар эса халқаро форумнинг нуфузини намоён этмоқда.

Нозанин МИРЗОЕВА,
(Тожикистон Республикаси):



– Ушбу тадбирда иштирок этаётганимдан бағоят мамнунман. Кенг қамровда фаолият олиб бораётган касба уюшмалари ёш кадрларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳимоясида катта аҳамиятга эга. Форум асосида ҳар бир иштирокчи ўзи учун янги маълумотларга эга бўлмоқда. Қолаверса, бу тажрибалар ёшларнинг келуси фаолиятида муҳим пойдевор вазифасини ўташига ишонаман.



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси «ТЕМП – 2019» Тошкент халқаро форумини

«1

Ушбу нуфузли тадбирнинг мазмун-моҳиятида бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, турли мамлакатлар ёшларини бирлаштириш ва ижтимоий аҳамиятли лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишда ижтимоий ва гуманитар ҳамкорликни фаоллаштириш мақсади ётганини айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Айни шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда халқаро форум давомидида унда иштирок этаётган хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон касба уюшмаларининг ёш фаолларини давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишловотлар, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари, унда касба уюшмаларининг иштироки, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш бора-сида олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистоннинг ривожланишида муҳим ўрин тутаяётган корхоналар, миллий маҳсулотларимиз билан таништириш, илмий салоҳиятни намоён этиш кўзда тутилган.

Форумнинг биринчи куни кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтгани ҳам ўзига хос рамзий маъно касб этди. Халқаро форум иштирокчилари дастлаб Соҳибқирон Амир Темури макбарасини зиёрат қилишди. Улар йўл-йўлакка самарқандлик ёшларнинг сеvimли масканига айланган Университет хибонасида амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳам бир кўр назар ташлаб ўтишди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига қизгин ҳозирлик қўрилаётган Регистон майдонини форум қатнашчилари ўзгача қизиқиш билан



кўздан кечиришди. Ёшларга уч минг йиллик тарихга эга Самарқанднинг фахри ҳақида кенг тушунчалар берилди. Темурийлар бошлаган бунёдкорликни кейинчалик шаҳарга ҳоким бўлган Баҳодирхон Ялангтўш мукаммал ансамбль даражасига олиб чиққани, халқимиз қонида бўлган яратиш иштиёқи авлоддан авлодга ўтиб келаётгани меҳмонлар таҳсинига сазовор бўлди.

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да форум иштирокчиларининг шаҳар ҳокими Бобурмирози Облақулов билан бўлиб ўтган учрашуви ҳам жонли тарзда кечди. Тадбир аввалида форум иштирокчилари марказда ташкил этилган ёш хунармандлар, рассомлар ва ижодкорларнинг ишланмалари, ўймакорлик ишлари билан танишдилар. Иштирокчиларнинг айримларига бу соҳада иқтидорларини синаб кўриш имко-

нияти ҳам яратиб берилди.

Учрашуви Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов очди.

– Қадим Римга тенгдош бўлган шаҳримизда касба уюшмалари ёшлари форуми иштирокчиларини қўтиб олганимиздан мамнунмиз, – деди Самарқанд шаҳри ҳокими Б.Облақулов. – Шаҳримиз аҳолисининг асосий қисmini ёшлар ташкил этади. Эътиборли жиҳати шундаки, келажакимиз эгалари бўлган ёшларга умид ва ишончимиз катта. Улар ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз иқтидор ва қобилиятларини намоён этиб келмоқда. Бугун янгидан барпо этилаётган Самарқанд саноатининг устуни бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини ёшлар бошқармоқда.

Тадбирда вилоят ёшларининг иқтисодийёт юксалишидаги улушлари, ижтимоий ривожланишдаги ҳиссаси, ёшларга давлат томонидан кўрсатилаётган ҳамхўрликлар хусусида сўзлаб берилди.

Форум иштирокчиларининг навбатдаги ташриф манзили Самарқанд туманининг Кониғил қишлоғидаги «Кониғил мероси» оилавий корхонаси бўлди. Мазкур корхонада замонавий технологияларсиз, барча юмушлар табиий қувватга асосланган ҳолда ўта сифатли ипак қоғози ишлаб чиқарилади. Пишиқ, пухта ипак қоғозининг асосий хомашёси ҳам ўзимизнинг далаларда ўсадиган тут хивчинларидан олинаётир.

Аждодларимизнинг ақл-за-



коватини, истеъдодини ўзида жамлаган бу ишлаб чиқариш аслида жуда оддий бўлса-да, маҳсулот сифати жиҳатидан барча турдошларидан устундир. Тадбиркор Зариф Мухторов болакимизнинг ушбу меросини тиклаган.

– Айни чоғда оила аъзоларимиз билан биргаликда 35 киши

ана шу қоғозларда тасвирлашга интиломоқда.

– Қадим Шарқ маданиятига гувоҳ бўлдик, – дейди Татаристон Республикаси касба уюшмалари Федерацияси ёшлар масалалари етакчиси Илсияр Кунакбаева. – Ўтмиш аждодлар томонидан яратилган қоғоз ишлаб чиқаришнинг бу услуби



бу ерда қоғоз ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда, – дейди корхона ходими Санжар Мухторов. – Қоғоздан 50 турдаги маҳсулот ҳам ишлаб чиқаряпмиз.

Корхонада кунига 50-100 варақ ўта юқори сифатли қоғоз тайёрланади. Бу қоғозлардаги битикларни ўчириш ҳам душвор. Пишиқлик даражаси аъло, уни қўл билан тортиб йиртиб бўлмайди. Айни чоғда мўй-қалам соҳиблари ўз асарларини

оддийлиги, тежамкорлиги ва сифати билан эътиборимизни тортди. Самарқанднинг ўзига хослиги, бу заминдаги кўҳна санъат сир-у синоати билан танишдик.

– Қаранг, оддий ариқ суви ёрдамида ўтмиш авлод не кашфиди битикларни ўчириш ҳам душвор. Пишиқлик даражаси аъло, уни қўл билан тортиб йиртиб бўлмайди. Айни чоғда мўй-қалам соҳиблари ўз асарларини



Жиззах вилояти

Президентимиз ташаббуси билан Зомин туманида бунёд этилган «Зомин» болалар оромгоҳининг очилар маросими бўлиб ўтди.

Унда Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари Отабек Абдуғаниев, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Шухрат Деҳқонов, Сирдарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродовлар иштирок этиб, оромгоҳ рамзий қалитини маскан раҳбарига тантанали топширди.

Сирдарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли, Зомин тумани Қўриқ қишлоғида қурилган ушбу оромгоҳ мавсумда 800 нафар болани қабул қилади.

– 3,2 гектар майдондаги оромгоҳнинг қурилиш ишлари 2018 йил апрель ойида бошлан-



«Зомин»да таътил мароқли ўтади

ган эди. Бино қурилиши, пардоздаш ва жиҳозлаш ишлари жами 32 миллион сўм маблағ сарфланди, – дейди оромгоҳ раҳбари Акмал Эшиев. – Бино халқаро меъёр талаблари асосида болалар хавфсизлигини ўйлаб, икки қаватдан иборат қўш кўринишида бунёд этилди. Шунингдек, асосий бинонинг том қисмида томошагоҳ, 200 ўринли конференция зали, ёзги

томошагоҳ, ўйингоҳ майдончаси, очик сузиш ҳавзаси, футбол майдони, теннис, волейбол, баскетбол майдонлари халқаро стандарт талабларига ўла мос келади. Айниқса, сузиш ҳавзаларига замонавий қурилма ўрнатилган бўлиб, бунинг натижасида қишин-ёзин сув ҳароратини 26 градус илқиликда ушлаш таъминланади. Оромгоҳ ҳудуди қузатув камералари би-

лан жиҳозланган, болалар хавфсизлиги тўлиқ таъминланган.

Оромгоҳнинг ҳар бир хонаси бола дидига мос равишда турлича безаклар билан жиҳозланган. 8 кишидан иборат хоналар ва ота-оналар учун мўлжалланган кемпинг уйлари мавжуд.

Эътиборлиси, бино тўлиқ газлаштирилган бўлиб, бунинг учун Зомин тумани ҳудудидан 2,5 км. узунликда газ қувури

Бунёдкорлик

келтирилди. Натижада иншоот йил давомида хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлди.

– «Зомин» оромгоҳи вилоятимиз болажонлари учун мавсумга тўхфа бўлди, – дейди Сирдарё вилояти касба касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. – Фарзандларимизнинг табиати мусавво бўлган тоғ бағридаги сўлим оромгоҳда дам олишларини кўриб кўнглимиз тўлди.

– Оромгоҳимизда дам олувчилар учун қизиқarli бўлган машғулотлар жуда кўп, – дейди оромгоҳ директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Насиба Юнусметова. – 12 та йўналишдаги китоблар, миллий ва замонавий мусиқа асбоблари, спорт машғулоти қурилмалари – барчаси болалар учун муҳайё қилинган.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

БИРЛАШТИРГАН АНЖУМАН

билан ташкил этилган касаба уюшмалари ёшларининг иштирокчилар шундай эътироф этмоқда



Кўҳна Самарқанд қоғози ва корхонада амалга оширилаётган ишлар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Халқаро форумнинг кейинги кунли Самарқанддан қайтиб келган иштирокчиларини Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Чарос» меҳмонхонасида тантанали кутиб олиш билан бошланди. Турли халқларнинг кўшиклари ва урф-одатлари акс этган мусикий чиқишлар қатнашчилар учун қутилмаган совға бўлди.

Айтиш жоизки, ушбу бетакорор гушада ташкил этилган тадбир руҳига мос машғулотлар ҳеч қандай эътиборсиз қолдирмади. Жумладан, қизиқишлар, хобби, эпчиллик, кўнгилочар ўйин билан чарқоқни ёзиш бўйича психологик тренинг ҳамда ранг-баранг ўйинлар уюштирилиб, унга кўра иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўзаро танишишди.

Ёшларнинг умумий жиҳатлари, қизиқиши, қарашлари креатив ёндашув асосида кўрсатиб берилди. Хотираси, фикрлаши, тезкорлиги турли ўйинлар билан синовдан ўтказилди. Мутахассисларнинг ҳар бир мавзуга турлича ёндашуви барчани янада фаол бўлишга ундади.

– Ҳар бир иштирокчининг фаоллигини ошириш, бир-бири билан таништириш мақсадида уларни уч гуруҳга бўлган ҳолда, интерфаол усуллар орқали танишувни амалга оширдик, – дейди психолог Наргиза Норкулова. – Шунингдек, тренинг тизимида дарс ташкил этдик. Назаримизда, дарслар жозибали тус

олди. Сабаби, ушбу интерфаол танишувда ҳар бир иштирокчи фаоллашуви, бирлашиши, гуруҳ аъзоси сифатида жипслашишига эришдик, деб ўйлайман.

Умуман олганда, тренингнинг бош мақсади нафақат иштирокчиларнинг бир-бири билан танишуви, балки дунёқараш, интеллект ва фикрларини жипслаштиришдир. Тренинг машғулоти орқали куч, муваффақият ва дўстлик бирлашиб ҳаракат қилишда эканини барча иштирокчилар тушуниб етишди.

Форум қатнашчилари Ўзбекистон касаба уюшмалари тасарруфидоги санаторийлар давлатга газмасида сийлашларида қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган шарт-шароитлар, спорт тренажёрлари, фитобар, таклиф эти-

юралар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Айтиш мумкинки, ўзига хос жиҳатлари, иқлим ва жой нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилган муолажалар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Форум дастуридан миллий либослар фестивали ҳам ўрин эгаллаб, унда атлас, адас, шойи, ипак ва бошқа матоларимиздан тикилган либослар намоиш этилди. Бежирим, ўзига хос дид билан тикилган кийимлар иштирокчиларнинг ҳайрат ва ҳавасига сабаб бўлди.

Меҳмонлар Президентимиз томонидан ёш авлоднинг маданияти, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кў-

ган 5 та муҳим ташаббус маъмул-моҳияти билан таништирилди.

Тошкент халқаро форуми



Илҳом ҲАСАНОВ оғлан суратлар

иштирокчиларда мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, уларга яратилаётган шароитлар, бу жараёнда юртимиз касаба уюшмаларининг тутган ўрни, қолаверса, Ватанимизнинг кўҳна ўтмиши ва бой маданияти ҳақида ёрқин тасаввур уйғотмоқда.

– Форумни зўр тайёргарлик билан ташкил этгани учун Ўзбекистон касаба уюшмалари миннатдорлик билдиримиз, – дейди Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси вакили Ерлан Тулетаев. – Биз ушбу тадбир сабаб бир қатор давлатлар касаба уюшмалари ёшлари вакиллари билан дўст тутиндик. Келажақда улар билан мунтазам алоқаларни йўлга қўйишга келишиб олдик.

ниҳоятда манзур бўлди. Дастур доирасидаги бундан кейинги тадбирлар ҳам уларнинг янада завқ олиши, назарий ва амалий билимларини оширишга хизмат қилади.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури барчага кўтаринки қайфият улашди.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоев иштирок этди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
Салим АБДУРАҲМОНОВ,
Аъзам АБУЛҲАЙДОВ,
Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Самарқандга саёҳат



Маданиятлар чорраҳасида

«ТЕМП – 2019» Тошкент халқаро форуми давом этмоқда. Форум иштирокчилари 23 июнь кунли Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишди. Уларнинг таассуротлари билан танишдик.

Анна КРАСНИК,
(Беларусь Республикаси):



– Афсонавий Самарқанд сари катта ҳаяжон билан йўлга отланган эдик. Учқур «Афросиёб»да манзил томон бора туриб бутун Ўзбекистоннинг бўй-бастини кўрандек бўлди. Меҳр-у оқибат, ҳурмат-у эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Таассуротларимиз бир олам. Форум ишига эса омад тилайман.

Кирилл ШАПОВНИК,
(Латвия):



– Форумнинг илк лаҳзалариданоқ бетакорор таассуротлар, янги маълумотларга эга бўлди. Тўғриси айтганда, Ўзбекистонда касаба уюшмаларининг нуфузи ҳар қадамда сезилиб турибди. Бугунги халқаро ёшлар форуми миллиятлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва дўстликка хизмат қилади. Ана шу жиҳатдан бу тадбир ёшлар бирдамлигининг рамзи бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Нгун ҚУАНГ ВУ,
(Вьетнам):



– Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган «ТЕМП-2019» халқаро форумига таклифномани олган, бу тадбирга қизғин ҳозирлик кўрдим. Айниқса, тарихий Самарқанднинг ўтмиши ва бугунги кунига доир адабиёт, интернет наирларига бу дийр ҳақидаги билимларимни мустақамладим. Тўғриси, бу ўлка биз ўйлагандан кўра ҳам мафтункор экан. Умримда илк маротаба ўзбек паловини тановул қилдим. Таъми оғзимда қолди.

Мустафа КАМЕЛ,
(Миср Араб Республикаси):



– Регистон майдонида бўлганимда Самарқандни нега маданиятлар чорраҳаси, дея аташларини англаб етдим. Дунёда давлатлар ҳам, шаҳарлар ҳам кўп. Аммо улар орасида Самарқанднинг ўзига хослигини фақат бу ерда бўлган кишигина тушуниб етати.

Эспенбет КАЛШОРА,
(Қозоғистон Республикаси):



– Ўзбекистонда ёшлар келажагига катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Самарқандга эса иккинчи бор таъриф бўлди. Аввалги келганимда ҳам бу ерда жуда кўп ёшларни учратганим, улар билан фикр алмашганим. Бу галги саёҳатимда авлодлар меросига муҳаббат, ҳурмат бу юрт ёшларига хос фазилат эканини қуқуруқ англадим.

Сония СИНГЛА,
(Ҳиндистон):



– Ушбу форум дунё ёшларини бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Хали Ўзбекистонга келганимизга кўп бўлмаган бўлса-да, ўз қарашларига эга кўп ёшлар билан танишдик. Бу шунчаки учрашув эмас, балки мустақам дўстлик, ҳамкорлик алоқаларининг янада ривожланишига асос бўлади, деб ўйлайман. Кўҳна Самарқанд саёҳати эса бу дўстликни янада мустақамлайди. Биз бу ерда кўплай дўстлар ортттирдик, таъриба алмашидик.

Севинж АББАСБАЙЛИ,
(Ўзбекистон Республикаси):



– Қадим тарих ва бугунги давр нафасини ўзида мужассам этган Самарқанд бизни мафтун қилди. Саёҳат давомида рўйи замин сайқали бўлган бу шаҳар ҳақида бир олам таассуротга эга бўлди. Ўзбекистон ҳақидаги таъассуротларимиз бойиб боргани сари бу юртининг ёшларига ҳавасимиз келмоқда.

«SHOHIMARDON» BOLALAR OROMGOHI



Фарғона вилояти

Фарғона вилоятининг Шоҳимардон қишлоғида илк маротаба болалар оромгоҳи иш бошлади.

– Оромгоҳнинг очилиши катта байрамга айланиб кетди, – дейди «Шоҳимардон» оромгоҳи раҳбари Фозилахон Мамажонов. – Жорий йилда 4 навбатда фаолият юритиши режалаштирилган масканимизда Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоғининг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизларини мароқли дам олдириш режалаштирилган. Бугун уларнинг 50 нафари оромгоҳга қабул қилинди. Болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган. Жумладан, шахмат-шашка, «моҳир кўлар», компьютер, рус ва инглиз тили тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилган.

– Оромгоҳга фарзандларим Камронбек, Абузбек, Хосилахонларни олиб келдим. Ётоҳона ва ош-

Ушалган орзу

хонада яратилган шароитлар аъло даражада эканига гувоҳ бўлдим. Қишлоғимизда мана шундай кўркам оромгоҳнинг бунёд этилиши биз ота-оналар учун катта совға бўлди, – дейди Шоиржон Мамажонов.

Шинам ётоҳона, мўъжаз кутубхона, тўғрақ хоналари, спорт майдончалари, компьютер хонаси, тоза ва озода ошхона, сўхбатлашиш учун эгзи айвончалар, чўмилиш ҳавзаси болаларнинг ихтиёрида.

– Бу ерда таълим-тарбия, малакали тиббий хизмат кўрсатиш ишлари билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида ҳам алоҳида эътибор қаратилган, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шоҳидохон Каримова. – Эътиборли жиҳати, оромгоҳга асосан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини қамраб олиш кўзда тутилган. Шунинг учун 12 кунлик йўланманинг нархи 60 минг сўмга ҳам

етиб бормаиди.

– Олис ва чекка ҳудуд бўлишига қарамай Шоҳимардон қишлоғида ажойиб қошонанинг бунёд этилишида вилоят касаба уюшмаларининг хизмати катта бўлди, – дейди Фарғона тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳамидохон Абдуғаниева. – Уларнинг сазй-ҳаракати, жонбозлиги туфайли бу ерда мана шундай оромгоҳ иш бошлади. Бугун қишлоқнинг қайси бир одами билан гаплашманг, бу каби эътибордан боши осмонда эканини айтмоқда. Насиб қилса, бу сўлим гушада яна кўплай оромгоҳлар қурилади.

– Кутубхонада мен ёқтирган китоблар кўп экан, – дейди Иродахон Абдувалиева. – Буш вақтларимда компьютер саводхонлиги, рус ва инглиз тили тўғрагига қатнашмоқчиман.

Болаларнинг юз-кўзидаги қувончни кўриб, биз ҳам болалик давримизга қайтгандек бўлдик.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

1 2 3 4 5